

Бўйича давлат реестри юритилган бўлиб, 2004 йил 1 июл ҳолатига кўра 57 корхона (7 ҳақда) махсулот ва хизмат турлари бўйича давлат реестрига киритилди.

Вилоят иқтисодиётига махсулот ва хизматларга асосси юқори нарх ва тарифларни ўрнатилиш орқали салбий таъсир кўрсатувчи табиий монопол субъектлари фаолиятини чеклаш ҳамда аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадларида табиий монополия субъектлари махсулотлари ва тарифлари устидан мунотазам назорат олиб борилди.

Таъминоти корхонасининг табиий газни сотиш бўйича табиий монополиялар субъектлари Давлат реестрига турди. Бундай мисолларни кўлаб ва кўлаб келтириш мумкин. 2004 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра табиий монополиялар субъектларида 58 та корхона Давлат реестри рўйхатида турибди. Улар томонидан кўрсатилаётган хизмат нархлари молия органларида тасдиқланган.

— **Монополист корхоналардан тушган арзиларни ўрнатилиш ва таҳлил ўтказиш ишлари ҳақида ҳам...**

га кўра, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси 2002-2003 йиллар ва 2004 йил биринчи чорагида бино ва иншоотларни баҳолаш хизмати бўйича вилоят товар бозоридан устунлик маъқелини йўқотганлиги маълум бўлди ва у бино ҳамда иншоотларни баҳолаш хизмати бўйича давлат реестридан чиқарилди.

— **Кўша корхоналар очилиши ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Вилоят товар бозорларида

билан монопол корхоналарга рақобатбардор корхоналар ташкил этиш тадбирлари белгиланган... «Оқсоқ-ота» ишлаб чиқариш корхонасида дастурга асосан, хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда гранитга ишлов берувчи кўша корхона ташкил этиш мўлжалланган. Ҳозир мазкур кўша корхона ишга туширилгани бўйича 1308 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилишига барча ҳужжатлар тайёрланди. Кредитнинг 15 фоизини Ўзбекистон уй-жамғарма банки ажратиб рақобатда турибди. Италиядан келтирилган кутилётган тошга ишлов берувчи дастурхонани ўрнатилиш бўйича монтаж ишлари бошланди ҳам...

БИЗНИНГ ИЗОХ: Кўриб турибсиз, Истиқлол йиллари ислохотлари билан вужудга келган товар бозорларидаги рақобат муҳити — монополлашган корхоналарнинг ўз устун маъқелини суиистемол қилиш ҳоллари олдини олиш ва айна пайтда «фирром» рақобатга чек қўйиш, табиий монополия субъектлари фаолияти назоратини кучайтириш зарурлигини тақозо қилди. Пировардидан, бозор муносабатлари шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида истеъмолчи ҳам, давлат ҳам, жамият ҳам манфаатли янги тизим — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш тизимини яратиш зарурати турлиди.

Мазкур тизим — Республика Давлат қўмитаси ва унинг таркибига кирувчи барча ҳудудий бошқармалар бугунги кунда «Товар-бозор=рақобат», рақобат бўлганда ҳам ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориб, истеъмолчи, давлат ва жамият манфаатига самарали хизмат қилмоқда.

Сўхбатдош:
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



ХАМАСНИНГ ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ АЪЗОСИ ЯРАЛАНДИ

Исроил ҳарбий авиациясининг Фазага ракетадан берган зарбаси натижасида ХАМАСнинг юқори мартабали бир аъзоси огир ярадор бўлган, деб хабар қилади «Ha'aretz» газетаси.

Мухаммад ал-Симри ХАМАСнинг «Изиддин ал-Кассам бригадалари» номли ҳарбийлашган қаноти раҳбарларида бири бўлган. У билдан бирга ХАМАСнинг яна бир аъзоси Ҳасан ал-Жаборий ва аёл киши яраоланган. Шохидларнинг гувоҳлиги беришича, Исроил ҳарбий кучлари самолётлари душманга тонг отарида Фаза минтақасининг шарқий қисмида турган бир ғуруҳ фаластинликларга қарата иккита ракета зарбасини берган. Улар орасида ал-Симри бор эди. Исроил Газа минтақасида қилган ҳарбий ҳужумлари йўқ қилиш мақсадида «Табва-Тазарру қунари» операциясини олиб бормоқда. Операциянинг 9 кунли давомида 60 дан ортиқ фаластинлик қурбон бўлган.

ЭКСПОРТ ҲУҚУҚИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

фиболли асбест деб аталувчи тури ҳам мавжуд. У Фарбда кенг қўлланиб келинган. Левин инсон саломатлиги учун хавфли бўлиши боис тақиқланган. Шу боис хризотил конларига эга бўлмаган мамлакатлар муқобил материалларни қидиришга ва ўз махсулотларини сотиш бозорлари учун курашишга мажбур бўлдилар. Утган асрнинг 90-йилларида рақобат иқтисодий уруш тусини олиб, унга Европанинг кимёвий ва металлургия концернлари бош бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ Европа Комиссияси асбест ва таркибидан асбест бўлган материаллар ҳамда буюмларни 2005 йил январидан бошлаб Европа Иттифоқида фойдаланиш тақиқлашни тўғрисидаги Директиваларни қабул қилди. Кейинчалик таққ тарифдорлари бунинг 1998 йил 10 сентябрда қабул қилинган Роттердам Конвенцияси ёрдамида бутун жаҳон бўйлаб ишга қарор қилишди. 2002 йил бошида хризотил ўрнини босадиган материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Европа Иттифоқи, Чили, Австралия Конвенцияга асбестнинг барча турларини, шу жумладан, хризотилни тақиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тақлиф қилди. Холбуки, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар асбестларнинг фақат амфибол гуруҳи қўлланишини тақиқлаганди.

Россия олимлари ва шифокорлари ярим асрдан ортиқ вақтдан бери олиб борилаётган тадқиқотлар хризотилни қўллаш хавфсиз эканлигини тасдиқлаганини таъкидламоқдалар. Олимлар фикрича, асбестга муқобил сифатида тақлиф этилаётган «экологик тоза» материаллар (хусусан, целюлоза асосидаги) инсон ўлкасида узоқ вақт — минг кундан ортиқ сақланиб қолар экан. Хризотил тозалари эса икки ҳафтадан сўнг инсон организмидан чиқиб кетади. Кўриниб турибдики, трансмиллий компанияларнинг хризотил-асбестни қоралаш бўйича олиб бораётган фаолияти ҳеч қандай экологик асосларга эга эмас. Афтидан хризотилни тақиқлаш тарафдорлари рақобат курашида томонлардан бирига кўмаклашяпти чоғи. Бу аксиласбест кампанияси аввало Россия ва МДҲ мамлакатлари манфаатларига пулур этазувчи иқтисодий урушнинг бир жиҳати сифатида баҳолашга асос беради. Маълумки, Россия ва Қозғоғистон жаҳондаги энг йирик хризотил-асбест ишлаб чиқарувчи ҳамда экспорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланади. 2003 йилда улар томонидан 1 миллион тоннадан ортиқ ушбу минерал махсулот ишлаб чиқарилган, шундан 468 минг тонна экспортга жўнатилган. Иккала мамлакат хризотил санаятида 40 дан ортиқ корхона мавжуд, уларда 50 мингга яқин киши ишловмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ

БОЗОР=РАҚОБАТ

ҲАМ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҲАМ МАНФААТДОРЛИГИ

Табиий монополия субъектларини ташкил этиш, қўшиб юбориш, бириктириш ва тутатиш ҳаракатлари устидан ҳам давлат назорати йўлга қўйилди.

Табиий монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга махсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилган. Шу тартибда ҳудудий бошқарма томонидан табиий монополия субъектлари фаолияти ва уларнинг асосий истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлари таҳлил қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли «Республикада газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Бошқомунгаз» корхонаси тутатилиб, «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси «Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминот корхонасига айлантирилди ва у «Ўзқоммуниқазмат» агентлиги газ

— Бўстонлик туманидаги кўша корхона «Ҳазалкент ойна» кўша корхонасининг 2004 йил 21 февралдаги ариза — хатига кўра, қурилиш ойнаси (листли ойна) товар бозорларида кўша корхона махсулотини бўйича 2002-2003 йиллардаги вилоят товар бозорларидаги улуши 94.4 ва 51.2 фоизларини ташкил этганлиги учун, у монопол корхоналар давлат реестридан қолдирилди. Чирчиқ шаҳар синови ва сертифицилаштириш марказининг монополист корхоналар давлат реестридан чиқариш тўғрисида 2004 йил 16 январдаги 01-2/11-сонли ариза — хатига асосан синови ва сертифицилаштириш марказининг хизматлари ҳам вилоят товар бозорларида 2002 йил улуши 24.3 фоиз, 2003 йилда эса 26.9 фоизни ташкил этганлиги учун сертифицилаштириш, метрология ва стандартиштириш ҳақида синови хизматлари кўрсатиш бўйича монопол корхоналар давлат реестридан чиқарилди.

Ўтказилган таҳлил натижаси-

2004-2010 йиллар давомида монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш минтақавий дастури ижросини таъминлаш борасида 6 та кўша корхона ташкил этиш белгиланган. Жумладан, Паркент туманидаги «Дўстик ГИФ» корхонасида ун махсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлов бериш бўйича, Ангрен рудан қон бошқармасида руда қазиб олиш ва «Тош КСМ» АЖ томонидан керамик плиталар ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўша корхоналар ташкил этиш белгиланган.

Янги махсулотлар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда «Бекобод цемент» АЖ керамик черепицалар, «Чирчиқмаш» ОАЖ корхонаси пайвандлаш электродлари, плуг ва унинг моделафикациялари, тракторлар ҳамда экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар, «Гидравлика» АЖ қишлоқ ҳўжалиги техникалари учун насос, «САТСО» ҚҚ санитария гигиена қозғоғлари ишлаб чиқариш йўли

Тиббиёт: янгилик, тажриба, тақлиф

МУНАВАРЛИККА МУЯССАРЛИК

Оқариб оппоқ тонг отишини, барқашдек қуёш уфқга қизариб ботишини ҳар бир инсон кўрган кузатган. Сўзас, заводи манзара. Инсон олис осмонни, қиқирлаб кулаётган гўдак ниғоҳидаги беғубор кулгунни, интиқ кулган инсоннинг сиймосини, бир сўз билан айтганда, кўриш бахтига эгадир.

Киприқларимиз бир дақиқага бирилашсин-чи?

Бир сония зулмат қўйилган қолишни тасаввур этишининг ўзи оғир. Ёши улуглар дунёга келган чақалоққа умр тиларқон, дуога қўл очганда: «Тўрт мучаси соғ бўлсин, олтин боши омон бўлсин», дея ният айтишларининг замирида бир олам маъно ётади.

Кўз — сўзги организмизнинг бири. Лекин иссиқ жон, бу ҳаёт, кимдир кўриш насибасидан махрум, бировнинг кўзи оғир, хира, хасталанган бўлиши мумкин. Шундай одамларнинг дардига кўз шифокорлари нур улашадилар.

Зеро, офталмологларимизнинг фаолиятида қувончли воқеа, хушxabарни эшитдик. Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигига қарашли Клиник офталмология шифохонаси бош врачлари Клара ВАЛИЕВА билан Сўхбатимиз шу ҳақда.



қандай қилиб шундай касалликларнинг олдини олиш мумкин?

— Сабаблари турлича, кўпроқ наслдан-наслага ўтиши мумкин, кам қонли ҳомиладор ондан туғилган гўдак туғма кўзи оғир бўлиб туғилиши мумкин. Табиий шараитлар, экология, иқтисодий турмуш шароити ҳам сабаб бўлади. Қариндошлар ниқоҳидан болалар кўзи хаста туғилади, тез касаллик чалинади. Табиатдан ҳар бир одамнинг кўз тузилиши, кўзининг олдинги ва орқа камераси, кўриш имконияти турлича бўлади, кўз ҳаминунг тўрайиши ёки кенгайиши ҳам у бурчакли назла, яъни сувар йиғилиб орқа камерадан олдинга ўтиб, ёки акси бўлса, оқик турдаги назла, бурчакли назлани келтириб чиқаради. Одатда, ота-оналар боласининг кўзлари катта-катта, киприқлари узун, чиройли бўлса, шўхло, қорачиги каттасини чарос кўз деб хурсанд бўлиб юришади, аслида, кўз қорачик катталашса, бу касаллик дегани, бора-бора боланинг кўриш қобилияти пасаяди.

Боладаги кўз касаллигини чақалоқлиғидек даволаш керак. Боланингнинг кўзига эътибор беринг, чақалоқлиғидан тез-тез кўз шифокори кўригидан ўтказинг. Баъзида фарзандимиз: «кўзимга нимадир қўйингиз, пашша учиб юрди», халқаси-мон қора доғларни кўрипман-деса кўп аҳамият бермаймиз. Йўқ, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Айнақса, болаларнинг кўзи бахтига муяссарликдан махрум этишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Бизнинг шифохонамиз 112 ўринга мўлжалланган, 10 ўринлик кундузги стационарга эгамиз. Икки юз нафардан ортиқ тиббиётчилар хизмат қилади. Ўз ишининг устаси, олий тоифали шифокорлар Гулжамал

Комилова, Феруза Халилова ва бошқалардан беморлар мамнун. Шунини айтишим керак, бугунги шифокорнинг сийёси онги етук бўлиши давр талаби. Ферузaxon ХДП аъзоси, шифохона бошланғич партия ташкилотчи, «Ёшлик» шаҳарчаси ХДП кенгаши аъзоси.

— **Қайси вилоятлардан беморлар кўп? Айнақса, болалар?**

— Ҳамма вилоятлардан беморлар келади. Бемор болалар Қашқадарё, Бўҳоро, Наманган вилоятида нисбатан кўп. Айнақса, Қашқадарёдан туғма кўр болалар ниқоҳатга кўп келади. Бу илмий изланиш олиб боришни талаб қилидиган муммога айланади борапти. Чунки оилавий келиб даволанаётган сонни ортипти. Мана, Қашқадарёдан тўрт боласининг кўзи оғир келди. Ҳозир 1-бўлимимизда 2 нафар қизи, ўзи даволаняпти, эрининг кулуги қар, соқов экан, яқинда 2 нафар кўзи оғир келди. Ҳозир кўз шифокори билан даволаб жўнатгандик. Биз бу оилага бепул тиббий хизматни амалга оширдик.

— **Кўп эшитиб қоламиз, беморлар ҳадисираб: «Қандай касаллик кўзимни кўри қилармиш, операцияга иккиланган» дейишади. Беморнинг яқинларини «дори-дармон муаммоси» қийнайди. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Яқин келажакда 2-3 хил янги тиббий аппаратларни келтиришни мўлжаллабимиз. Қанд касаллигининг кўзга таъсиридан, асорати туфайли кўзга қон қуйилади, натижада кўзининг шийасимон танасини қоплаб кўришга олиб келади. Витерални жаррохлик йўлида хасталикни даволаш учун янги эндолазар аппаратини олдик. Биз МДХ мамлакатлари орасида туртинчи бўлиб шу асбонни қўллабимиз, шу пайтга фа-

қат Москва, Екатеринбург ва Иркутскдаги бемор эди. Биз беморларни янги услубда даволашни бошладик. Айтишим керак, бу услубнинг ўзига хос мураккаблиги, масъулияти бор.

Дори-дармон масаласида бизда муаммолар ўз ечимини топяпти. 99 фоиз дори-дармон билан таъминланганмиз, ўзи дори-дармон билан таъминланганмиз, 30 хилдан ортиқ суюқлик дориларни тайёрлаймиз. Йўқларини эса хориждан «Сантён», «Алкон», «Карл Уейс» фирмаларидан тендер орқали оламиз.

Мулоҳазамни айтмоқчиман. Дунёнинг қўлаб касалликларидан — АҚШда, Кипрда, Хитойда бўлди. Хорижда кўз касалликларини 1-3 кун, агар жаррохликдан кейин асорат бўлса 5-6 кун даволайди. Уларда физיותרалгия усулида даволаш усули йўқ.

Мени мутахассис сифатида бир масала ўйлантиради. Юртимиз жаннатмакон, мева-чеваларимиз дармон-дориларлик тўла. Нера аёллар кам қон? Кўз касаллигининг олдини олишининг осон, арзон, қўлай йўли тўйиб сабазот, мева-чева истеъмол қилиш. Қачонгина дори ичиб, укол оламиз?

Кўз нурафшон бўлсин десангиз, организмни калий, кальций, витамин — В-1га тўйитингиз, шунда ҳеч ким ҳеч қачон мунавар оламни кўришга муяссар бўлишдан бебаҳра бўлимади.

Санда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Сурат: (чапдан ўнга) шифохона бош врачлари Клара Валиева олий тоифали шифокорлар Рихси Эшонова ва Диебра Юсупова ҳамда дориона мудири Абкар Ориповлар билан сўхбат.

Шавкат АКРАМОВ
олган сурат

XX аср инсоният тарихида мисли кўрилмаган тараққиёт асри бўлса-да, XXI асрга айрим иллатларни ҳам мерос қолдирди. Экологик муаммолар глобаллашиб бораётган бир вақтда, бевосита инсон фаолияти билан боғлиқ одам савдоси, халқаро терроризм, нарқомафия ҳам глобал тус олмақда. Нарқобизнес инсоният бошига солаётган кулфатнинг чеки йўқ. Кўпгина мамлакатларда гиёвандликка қарши жиддий кураш олиб борилаётганига қарамай нарқобизнес ривожланса ривожланмоқдаки, сусайган эмас. Айрим халқаро мутахассисларнинг Афғонистонда гиёвандлик моддалари етиштириш ўтган йилга нисбатан 36 фоизга ўсган, деган сўзлари фикримизга мисол. Афғонистон дунё миқёсида гиёвандлик моддалар истеъмол қилувчи қонли ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бунинг натижасида турли касалликларнинг тез тарқалиши хавфи ортапти.

Биргина мисол: шу кунга қадар мамлакатимизда ОИТС касаллиги билан 3867 нафар шахс рўйхатга олинган. Шундан 2292 нафарини гиёвандлар ташкил этади. Афғонистондан МДХ давлатлари ва Европага гиёвандлик моддалари экспорт қилиш миқдори ошиб бормоқда. Шу кунларда мамлакатнинг 120 минг гектар майдонда гиёвандлик моддалар етиштирилмоқда. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ҳудудидан бу моддаларни олиб ўтишга уринаятган кимсаларнинг ҳам фаолашуви кузатилади. Уларнинг мақсади оғуларни Ўзбекистон орқали Россия Федерацияси ва Европанинг бошқа давлатларига етказиб беришдир. Мамлакатимизда ҳужуки муҳофиза қилиш идоралари муволаотларга кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи майдонда гиёвандлик моддалар билан боғлиқ 4534 та жиноий иш очилган. Ушбу жиноятлар Тошкент шаҳри (918), Самарқанд вилояти (644), Тошкент вилояти (448) ва Фарғона вилоятида (405) энг кўп қайд этилган.

Шу давр мубайнади гиёвандлик моддалар савдоси билан шуғулланувчи шахслардан 295, 1 кг. героин, 39,8 кг. опий, 4,9 кг. гашиш, 265,2 кг. марихуана ва кўкнори моддалари мусодара қилинган. Ушбу жиноятларни содир этган 64 хорижий фуқаро мамлакатимиз ҳудудида ушбу бораида ҳамон Тожикистон Республикаси фуқаролари кўпчилигини ташкил қилмоқда (27). Шунингдек, улар орасида Россия (4), Қозғоғистон (6), Қирғизистон (17), Туркманистон (7) фуқаролари ҳам бор.

Жиноятчилар ноқонуний йўл билан мўмай пул

ПОРА ОЛАЁТГАНИДА ҚЎЛГА ТУШДИ

Москвада «Олимпийский» спорт мактабининг бош директори Юрий Князев пора олаётгани чоғида қўлга олинган. Москва шаҳар ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятлар билан кураш бўйича бошқармаси матбуот хизматининг бошлиғи Филипп Золотницкий маълум қилишича, бирмунча вақт муқаддам бошқармага «Олимпийский» спорт мактабини бош директори ижарачилардан расмий ижара ҳақидан ташқари бирон-бир ҳўжжати расмийлаштирмаган ҳолда ҳар ойда нақд ҳақ тўлашни талаб қилаётганлиги ҳақидаги оператив маълумот тушган. Айна чоғида иқтисодий жиноятлар билан кураш бўйича бошқармага яна бир аризагина мурожаат этган. Тадбиркорнинг маълум қилишича, «Олимпийский» спорт мактабиди оғир ҳолатда бўлиб, Князев ундан ҳар ойда нақд 1500 доллар миқдоридан ҳақ тўлашни талаб қилган.

Москва шаҳар ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятлар билан кураш бошқармаси ва Россия Ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятлар билан кураш бўйича бошқармаси ходимлари томонидан биргаликда операция ўтказилди. Тадбиркор ёзиб олувчи мослама билан таъминланди. Рақамлари ёзиб олинган 1500 доллар Князевга унинг хизмат хонасида берилди. Шундан сўнг хонага кирган ходимлар бош директорини қўлга олдилар.

«ОҚ ЎЛИМ» ЁҚИБ ТАШЛАНДИ

топиш йўлида хатто ўз жонларини хавф остига қўйишдан ҳам тийишмапти. Улар захарли моддаларни ютиб, ички органларига яшириб ўтишга ҳам уринишмоқда. Жумладан, шу йилнинг 15 апрелида «Душанбе — Астрахан» йўловчи поездида кетаётган Тожикистон фуқароси Д.Ошурмамадовнинг бирданги соғлиги ёмонлашди. У шошилинч равишда шифохонага келтирилди. Беморни текшириб кўраётган шифокорлар касаллик сабабини аниқлаган, ҳайратдан ёқа ушлашди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, бемор ошқозонида 459,8 грамм героин моддаси борлиги аниқланди. Афғонистон, шифокорлар унинг ҳаётини асраб қолишолмади. Д.Ошурмамадов шифохонадан жон берди. Мана, сизга қора ишонинг оқибати.

Баъзи бир кимсалар бу йўлда ўз қариндошларини ҳам қурбон қилишдан тарт тормаяпти. Шу йилнинг 4 сентябрида Андижон аэропортида «Анджон — Тюмень» рейси билан учинча таёйрланган тўрт нафар аёл текширувдан ўтказилганда, улар оёқ кийимлари пошналарига 2 кг. героин моддасини олиб кетаётганликлари аниқланди. Текшируш ишлари натижасида Бекобод туманидаги «Зафар» қўрғонда яшовчи С.У. исми аёл қўлга олинди. У ушбу ишни уюштиришда ва сингиллари ҳамда келинини ноқонуний савдога қатнашганлиги гумон қилинмоқда.

Кўни кеча юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари ходимлари гувоҳлигида гиёвандлик савдоси билан шуғулланувчи кимсалардан мусодара қилинган 381 кг. героин, 114 кг. опий, 53 кг. марихуана, 14 кг. гашиш, 1 кг дан ортиқроқ кўкнори моддаси ҳамда ампула ва таблеткалардан иборат психотроп моддалар (жами 566 кг.) ёқиб ташланди. Энди тасаввур қилинг, шунча гиёвандлик модда қўзланган манзилга етиб борганда, қанчалар одамлар бошига кулфат соларди, ҳаётига зомин бўларди.

Бу ёқилган гиёвандлик моддалари асосан Афғонистон ҳудудида етиштирилиб, тайёрланиб юртимизга олиб келинаётганда ҳужуки муҳофиза қилиш органлари томонидан ушланган. Мамлакатимизда маълум идоралар томонидан ҳар йили «қора дори» операцияси ўтказилиб келинганлиги сабабли, бу моддаларни етиштиришнинг олди олинган. 1994 йилда 14 тонна ана шундай моддалар ёқиб юборилган эди. Шундан бунён бу тадбир мана 18-мартга ўтказилмоқда. Уларда жами 36 тоннадан ортиқ гиёвандлик моддалари ёқиб ташланган.

Бекзод АБДУҚАНОМ ўли



ЭЗГУ НИЯТ ВА ЭЗГУ АМАЛ

Бугун юртимиз ҳақида сўзлаганда қадимий «Авесто» китобида келтирилган «эзгу сўз, эзгу ниёт ва эзгу амал» жумласи ёдга тушади. Унда битилишича, инсон эзгу ниёт қилса ва уни амалга оширса ҳаёт фаровонлигига, жамият тараққиётига ҳисса қўшган бўларкан.


Бугун республикамизда қай бир соҳани қулатманг бу жамиятнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўласиз. Хусусан, спорт соҳасида олган қўйилган мақсадлару амалга оширилган ишлар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Халқаро мусобақалар, олимпиада уйинларида Ўзбекистоннинг муносиб ўрни борлигини бугун дунё билди. Миллий курашимизнинг жаҳон майдонига чиққани ҳам муқтадир шарофатидан. Айниқса, болалар спортини ва аёллар спортини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида беш-ун йиллик эмас, балки асрлар давомида халқимизнинг, келгуси авлодларнинг соғлом ва баркамол бўлиши кўзда тутилган. Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг энг тўғри ва энг қўлай йўлларида эса бадий гимнастикани ривожлантиришдир.

Кузатишлар шунни кўрсатяптики, бошқа мамлакатларда аёллар жисмонан зўриқишга сабаб бўлувчи спорт турлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Фақат эркекларга хос деб ҳисобланган дзюдо, бокс, футбол, оғир атлетика каби спорт турлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Фақат эркекларга хос деб ҳисобланган дзюдо, бокс, футбол, оғир атлетика каби спорт турлари билан ҳам шуғулланишмоқда.

Кузатишлар шунни кўрсатяптики, бошқа мамлакатларда аёллар жисмонан зўриқишга сабаб бўлувчи спорт турлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Фақат эркекларга хос деб ҳисобланган дзюдо, бокс, футбол, оғир атлетика каби спорт турлари билан ҳам шуғулланишмоқда.




тофат соҳибаларининг жисмонан зўриқиши қанчалик хушқўрнинса, шунчалик зиёни бўлиши ҳам мумкин. Шу боис анатомиклар аёлларга бадий гимнастика билан шуғулланишни тавсия этишади. Негаки, бу спорт тури бе-нуксон бўлиш билан бирга одам организмнинг таянч-ҳаракат ти-



зимини, тананинг ҳамма қис-млари пропорционал ривожлани-шини таъминлайди. Бадий гим-настика организмнинг мослашиш ва ҳимоя имкониятларини юқори даражага кўтарганилиги учун ин-соннинг турли касалликка чали-нишдан асрайди ёки касалликни тезда энгиб, асоратсиз соғайиш имкониятини яратди.

Аёл, энг аввало, она. Унинг организмга табиий фаолият билан бир қаторда ирсий белги-ларни сақлаш ва уни наслдан на-слга ўтказиш каби энг олий ҳу-сусият юкланган. Республика-мида аёллар спортга шунчалик жалб этилмади. Балки илмий та-всиялардан келиб чиқиб, узок-ни кўзлаб бадий гимнастикани ривожлантиришга қарор қилин-ди.

Ўзбекистон Бадий гимнасти-ка федерацияси республика хо-тин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси билан биргалик-да юртимизда аёллар спортини ривожлантириш борасида қатор ишларни амалга оширдилар.



Жумладан, 2003 йил январь ойи-да ҳақамлар ва мураббийлар учун семинар, малака ошириш курслари ташкил этилди. Фев-раль ва март ойларида эса Хи-тойда бўлиб ўтқанилган Осие че-мпionatoи олдидан гимнастикчи-ларимиздан 3 нафари Москва ша-ҳрида ўқув машғулотларида бў-либ қайтишди. Сентябрь ойи-да эса Бухоро вилоятида 1-ту-манлараро кўргазмали турнир, Навоий шаҳрида Ўзбекистон ку-боги мусобақалари ўтқазилди.

Бугунги кунда Бухоро, Наво-ий, Хоразм вилоятларида жаҳон андозларида мусобақалар ма-хсус бадий гимнастика заллари иш-лаб турибди. Қолган вилоят-ларимизда ҳам ана шундай зал-лар қурилиши бошлаб юборил-ган.


Халқаро бадий гимнастика федерацияси юртимизда спорт-ни, жумладан, бадий гимна-стикани ривожлантириш, уни яна-да оммалаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни юқори баҳолаб, 2004 йилдаги Жаҳон кубоги босқичи-ни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди. «Шарқ гўзали — 2004» жаҳон кубоги босқичида Россия, Грузия, Хитой Тайпейи, Беларусия, Польша, Хиндистон, Малайзия, Исроил, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари ишти-рок этди.

Кўп қарра жаҳон, Европа ва олимпиада чемпионолари билан тенгма-тенг мусобақалашган спортчиларимиз эса «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» шиори қанча-лик тўғри эканлигини яна бир бор исботлашди. Қолаверса, бу турнир юзлаб ёш бадий гимнастикчиларимиз учун тажриба ва маҳорат мактаби-ни ўтади. Эндиликда улардан ҳам улкан ғалабалар кутишга ҳақлимиз. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли, ал-батта.


Дарвоқе, юртимизнинг бар-қарор ривожланиш одимларини қулатган, мухташам спорт ма-жмуалари ва улардаги шарт-шар-оитларни кўздан кечирган Хал-қаро гимнастика федерацияси экспертлари фикрича, 2011 йил-да ўтказилиши мўлжалланаётган жаҳон чемпионатида Тошкент номзоди кўрсатилиши ҳам мум-кин экан. Матбуот анжуманида Халқаро бадий гимнастика ра-ҳбарияти вакиллари Эгле Абу-рүц-чини ва Андре Гаисбухлер дав-вогар шаҳарлар орасида баҳо-нидир Тошкентга овоз беража-гини таъкидлаб ўтдилар.

Мақола бошида қадимий ҳик-матни бежиз келтирмагандик. Истиқболнинг илк йиллариданоқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифалар-дан бири сифатида белгилаган э-ди. Бугун ана шу эзгу ниёт эзгу амалга айланаётганлиги шубҳа-сиз. «Шарқ гўзали» нафақат ну-фузли мусобақа сифатида, бал-ки юртимизда аёллар спортни ривожига муносиб ҳисса қўшган янги босқич бўлиб тарихда қола-ди.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.



Д. ЮСУПОВ, С. УРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар



ТУРНИР ТААССУРОТЛАРИ

Эгле АБРУЦЦИНИ, Халқаро гимнастика федерацияси Ба-дий гимнастика техник кўмитаси президенти:
— Бадий гимнастикага алоҳида эътибор бераётган мамлакатта таширф буюриб адишмиган эканман. Бугун бу ерда Жаҳон чемпио-натлари, олимпиада каби нуфузли мусобақаларга хос ҳиссиётлар-ни ва ажойиб муҳитни кўриб турибман. Бадий гимнастика бўйича кубок мусобақалари шахрингизда илк бор ўтказилаётган экан, бундай тарихий воқеага гувоҳ бўлиш менга завқ бағишлади. «Шарқ гўзали» мусобақаси барча иштирокчи ва томошабинларда ҳам илқ таассурот қолдирганига аминман.

Ирина ВИНЕР, Россия терма жамоаси мураббийи:
— Мен Ўзбекистонликман. Шунинг учун бу дийрдан узок вақтга ажралолмайман. Тақдир тақозоси билан чет элларда яшаган бўлсам-да, Тошкентга тез-тез келиб тураман. Хар келганимда катта угар-ришлар гувоҳи бўламан. Спортчи бўлганим учун айниқса, спорт соҳасига атайин эътибор бераман. Янги-янги спорт мажмуалари бунёд этилаётганини кўриб ҳавасим келади. Қулай шароит ва кўлаб истеъдодлари бор бу юртдан ҳали бадий гимнастика бўйича ҳам олимпиада чемпионолари етишиб чиқишига ишончим қомил.

Венера ЗАРИПОВА, бадий гимнастика бўйича Ўзбекис-тон чемпиони:
— Мен ушбу турнирга мяхмон сифатида тақлиф этганлариди роса хурсанд бўлдим. Биласизми, мусобақалар ўтаётган «Ўзбеки-стон» спорт мажмуасига кириб келганимда ўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир, бизнинг ёшлигимизда бундай шароит йўқ эди. Ҳеч кўз олдидан кетмайди, гиламиз пол устида ҳам шуғулланардик. Қиш ойларида томдан чакки ўтиши оқибатида бир неча бор жаро-ҳат олганман. Энг ачинарлиси, бадий гимнастикага эътибор йўқли-ги туфайли Ирина Винер, Алина Кабаева, Зарина Мухитдинова каби истеъдодли спортчи ва мураббийлар, жумладан ўзим ҳам бошқа терма жамоалар сафига ўтиб кетдик. Энди, ҳайриятки, у даврлар ўтди. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келяпти.

Алина КАБАЕВА, уч қарра Жаҳон, беш қарра Европа ва олимпиада чемпиони, «Шарқ гўзали — 2004» ғолибаси:
— Ҳозир Россияда яшаётган бўлсам-да, хар доим Ўзбекистонга талпиниб яшайман. Негаки, мен шу ерда туғилдим ва бадий гимна-стика сир-асрорларини шу ерда ўргандим. Менинг барча муваффақи-ятларимда ана шу илк сабоқларнинг муносиб ҳиссаси бор. Шу боис мен Ватанимдан қарадор эканлигимни ҳис қилиб яшайман. Ана шу қарзимни, насиб қилса, Ўзбекистон бадий гимнастикаси ривожига ҳисса қўшиш билан оқлайман, деган умиддаман.

Анвар САМАДОВ

ТУРНИР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТўПЛАГАН ОЧКОЛАРИ:

(қатнашчилар сони: кўпкураш баҳсла-рининг «А» гуруҳида — 8, «Б» гуруҳида — 13, яккалик баҳсларида хар бир тур бўйича 8 нафардан)

КўПКУРАШ					
«А» гуруҳи:	халқа	тўп	булава	лента	жами
1. Алина Кабаева (Рос.)	27,6	26,75	26,15	26,85	107,35
2. Алия Юсупова (Коз.)	26,4	26,95	25,95	25,5	104,8
3. Ольга Капранова (Рос.)	24,6	26,1	25,45	25,35	101,5
5. Олеся Ашаева (Ўзб.)	22,4	24,1	25,0	23,15	94,65
«Б» гуруҳи:					
1. Зарина Мухитдинова (Рос.)	24,4	24,15	23,4	21,1	93,05
2. Ирина Ризванова (Исп.)	23,45	22,325	23,075	22,1	90,95
3. Жоана Митроз (Пол.)	23,6	20,55	23,95	19,6	87,7

ЯККАЛИК БАҲСЛАР		
	Тўп	
1. Ольга Капранова (Рос.)		25,8
2. Олеся Ашаева (Ўзб.)		24,9
3. Алия Юсупова (Коз.)		24,65
7. Рита Алимова (Ўзб.)		23,1
Халқа		
1. Алия Юсупова (Коз.)		25,8
2. Ольга Капранова (Рос.)		24,7
3. Анна Курбанова (Озар.)		24,6
5. Олеся Ашаева (Ўзб.)		24,1
Лента		
1. Ольга Капранова (Рос.)		24,675
2. Алия Юсупова (Коз.)		23,4
3. Анна Курбанова (Озар.)		23,3
7. Олеся Ашаева (Ўзб.)		22,4
Булава		
1. Ольга Капранова (Рос.)		23,35
2. Анна Курбанова (Озар.)		25,0
3. Олеся Ашаева (Ўзб.)		24,7

Ватан ҳимояси — Олий шараф

ОДДИЙ АСКАР НИМАНИ ЎЙЛАЙДИ? БОШ ҚЎМОНДОН-ЧИ?..

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг бел-гиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғри-сида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг бажарилишига бағишланган матбуот ан-жуманини ўтказди. Унда мудофаа вазирининг тар-биявий ишлар бўйича ўринбосари М.АХМЕДОВ, қа-қирив ва резерв Бошқармаси бошлиғи, полковник Б.МИРЗАМУХАМЕДОВ ва ҳарбий тиббий комиссия бошлиғининг ўринбосари Р.АБДУЛЛАЕВ оммавий ах-борот вазосатлари аскаллариининг саволлари жа-воблар қайтарилди.

Журналистларнинг би-ринчи саволи Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги қақирув тўғрисидаги 21 сентябрдаги 437-сонли қарорининг аввалги қарор-лардан фарқи хусусида бўлди.

— Бу фарқ, — деди пол-ковник Манноп Аҳмедов, — қисқа қилиб айтганда, ар-мия иши умумхалқ ишига айланганини алоҳида ва атрофлича кўрсатилганида деб биламан. Авваллари «Армия ва халқ ақдил» де-ган дабдабали шорлар ёзилар, лекин амалда улар ўртасида катта фарқ бўларди. Қарордаги янги-ликлардан бири қақирив ва қузатув тантанали ўткази-лиши ва бунда давлат органлари, жамоат ташки-лотларининг кенг иштиро-ки зарурлигининг ўқтирили-шидир. Унда ҳарбий хизмат-чилар учун замонавий ўй-жой, маший шарт-шароит-лар яратилиши, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот меъёриларига му-вофиқ ўз вақтида ва сифат-ли моддий таъминланиши белгиланган. Ва шу билан бирга бу ишга жавобгар ва-зирликлар кўрсатилгани ҳам диққатга сазовордир. Яна муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аскарларнинг ўқиш-га, ишга жойлаштиришга им-тиёзлари ҳам янгиликдир.

— Бундай ҳуқуқдан фой-даланиш, — деди Қақирив ва резерв Бошқармаси бош-лиғи, полковник Ботир Мир-замухамедов, — бу йил ўз самарасини кўрсатди. Икки мингга яқин собик аскарлар-имиз республикамиз олий ўқув юртлири талабалари бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш вазири Оқил Обидовнинг ахбороти-ча, Куролли Кучларда му-датли ҳарбий хизматни ўта-ган ёшларнинг 75 фоизи иш билан таъминланган.

Қақирив масаласидаги са-волларингизга жавобан шунни айтмакчи, биз бугун-ги қақиривлаётган ёшларнинг янги иқтисодий ва ижтимо-ий шароитда, энг асосий-си, мушаккил даврида ул-гайганини, улар билан эски шакл ва услубда ишлаш тўғри эмаслигини ҳисобга олаётимиз. Ҳозир Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшлар учун қизиқар-ли ва нуфузли бўлиб бораёт-ганининг гувоҳимиз. Бугун

ларнинг моддий таъминоти, уларнинг ва оила-аъзолари-нинг ижтимоий ҳимояси йўна-лишида комплекс чора-тад-бирлар кўриломоқда.

Ҳарбий ислохотлар асосчи-си Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шайни ва кадр-қимматини охиригача ҳимоя қилишга қодир бўлган армияни мустақил ватанимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир. Бош-қача айтганда, биз профес-сионал армия барпо этиш йўлида дадил одимлар таш-лямпимиз. Бу армиянинг ке-чаги армиядан фарқи ер билан осмонча. Бу ҳақда Пре-зидент шундай деган эди:

«Агарки мендан, янги ар-миямизнинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраш-са, ҳарбий қурилиш соҳа-сида амалга оширилаётган му-тақо принципал ўзга-ришлар, мақсад ва вази-фалар билан бир қаторда Куролли Кучларимизда ҳуқм сўраётган соғлом му-ҳит, тартиб-интизом, ўза-ро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машақ-қатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сер-жантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлар эдим».

Кечаги аскар ҳарбий хиз-матни мажбурий бурч деб биларди. Хоҳласа-хоҳламаса бу бурчни ўташга мажбур эди. Кўпчилик кўнгли рўйхуш бермай, ҳадиқ ва кўрқув билан армияга жўнарди. Аскар армияда хизматни мажбурий бурч деб биларди. Хар хил йўллар билан бўйин товлаш ҳоллари кўп учрарди. Бугун-ги аскар ҳарбий хизматни конституциявий бурч дебги-на эмас, балки энг олий ша-раф деб билди. Бугунги ас-кар ўз ота-онаси, ака-укаси, опа-синглисини, муқаддас юртини ҳимоя этаётганини яхши англайди. Бундай лаш-карга эга давлат қучли-қуд-ратли бўлади. Чунки бу лаш-карда оддий аскар ҳам, бош қўмондон ҳам бир хил ўйлайди: Ватан ҳимояси — олий шараф, бир эғу орузу — Ватан туйғуси билан яшайди!

Ҳамдам СОДИҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

очуқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар!

2004 йил 2 октябрь кунин белгиланган акциядорларнинг навбат-дан ташқари умумий мажлисида кворум бўлмаганлиги сабабли қолдирилди ва умумий мажлисининг янги муддати 15 октябрь соат 11.00 га белгиланди.

Мажлис кун тартиби ва акциядорлар рўйхати ўзгартиришсиз қолдирилди.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбеки-стон халқ артисти, Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг Маърифат ва маданият маркази бошлиғи, подполковник

Нуриддин ХАЙДАРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla Oripov
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norboho SHAKAROV
(Bosh muharrir birlinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Olim Murodov
Abduqani MAMASODIROV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifati 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbahar: Alisher RO'ZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Javlon RASULOV
«Shara» naahriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1160

7337 nusxada bosildi
I — Tixorat materiali
O'ZA yakuni — 22,50
Topshirish vaqti — 21.00.
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA